Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
16-yanvar,
shanba,
№ 7
(3668)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

# БОШ МАҚСАДИМИЗ — МАВЖУД ҚИЙИНЧИЛИКЛАРГА ҚАРАМАСДАН, ОЛИБ БОРАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИ, ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ, ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК, КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИККА ЯНАДА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИБ БЕРИШ ҲИСОБИДАН ОЛДИНГА ЮРИШДИР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Вазирлар Маҳкамасининг бугунги кенгайтирилган мажлиси кун тартибига киритилган асосий масала — Ўзбекистоннинг ўтган 2015 йилдаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш якунларини муҳокама қилиш ва 2016 йил учун тараққиёт йўлимизнинг энг муҳим устувор йўналишларини аниқлаб олишдан иборат.

Ўтган 2015 йил бизнинг бош мақсадимиз бўлмиш асосий вазифа — одамларимизнинг муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш ва ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш бўйича аввало муҳим ислоҳотларни амалга ошириш йўлида катта қадам бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Бу борада гап, аввало, ҳар томонлама пухта ўйланган, узоқни кўзлайдиган кенг кўламли Дастурни ҳаётга жорий этиш ҳақида бормоқда. Ушбу Дастур моҳият эътибори билан **чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, энг муҳими, Конституциямизда кўзда тутилганидек, хусусий мулкнинг қонуний, меъёрий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш, Ўзбекистон иқтисодиётида давлат иштирокини босқичма-босқич камайтиришга қаратилгани** сизларга яхши маълум, албатта.

Таъкидлаш жоизки, тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида фақат углеводород хомашёси, қимматбаҳо ва рангли металлар, уран хомашёсини қазиб оладиган ва қайта ишлайдиган корхоналарни, шунингдек, табиий монополияларнинг стратегик инфратузилма тармоқларини — темир ва автомобил йўллари, авиаташувлар, электр энергия ишлаб чиқариш, электр ва коммунал тармоқларини тўғридан-тўғри давлат бошқарувида сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Давлат активларини хусусийлаштириш, аввало, чет эллик инвесторларга сотиш вазифалари қўйилди ва бунинг учун тегишли шароитлар яратилди. Масалан, 506 та мулк комплекси танлов асосида, инвестиция киритиш шарти билан «нол» қийматида янги мулкдорларга сотилди. Бу борада ана шу инвесторлар қарийб 1 триллион сўм ва 40 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш, шунингдек, 22 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мажбуриятини олганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, 245 та кам рентабелли ва фаолият кўрсатмаётган ташкилот тўлиқ тугатилди.

Хусусийлаштириш дастурида кўзда тутилган, фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган 353 та давлат мулки объекти бузилиб, бунинг натижасида 120 гектар ҳажмидаги ер майдони бўшади. Бу ерларнинг қарийб 80 гектари ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш ва хизматлар кўрсатиш объектлари қуриш учун тадбиркорлар тасарруфига берилди.

Давлат мулки шаклидаги яна 319 та ана шундай объект инвентаризация қилиниб, хусусий мулк шаклига ўтказиш учун савдога қўйилди ва ўтган йили уларнинг 102 таси янги мулкдорларга сотилди. Бундан ташқари, 378 та акциядорлик жамиятининг давлат улуши баҳоланди ва чет эллик стратегик инвесторларга сотиш учун очиқ савдога қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, изчил ривожланаётган ва муваффақиятли фаолият юритаётган «Навоийазот», «Фарғонаазот», «Урганч экскаватор», «Қизилқумцемент», «Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамиятлари каби корхоналар, «Алоқабанк», «Туронбанк» сингари банклар, «Ўзагросуғурта» компанияси ва бошқа муассасалардаги давлатга тегишли акциялар ҳам савдога қўйилди.

Шу тариқа 52 та акциядорлик жамиятидаги савдога қўйилган давлат улуши хусусий мулкдорларга сотилди. Жумладан, «Қўқон ёғ-мой заводи» акциядорлик жамиятининг давлатга тегишли акциялари 2 миллион 500 минг долларга сотилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда мулкчилик шаклини тубдан ўзгартириш бўйича олиб борилаётган кенг миқёсдаги ишларнинг фақат бошланишидир.

Мамлакатимизда қабул қилинган қатор қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органлари ва маъмурий тузилмаларнинг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувини бартараф этиш учун қатъий тартиб ўрнатиш ва ана шу идораларнинг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш бўйича катта аҳамиятга эга бўлди.

Давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили жорий этилди.

Тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва уларнинг фаолият юритишини енгиллаштириш билан боғлиқ 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, янги тартиб бўйича, агар шахс солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган бўлса ва ҳуқуқбузарлик аниқланганидан сўнг 30 кун ичида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қопласа, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликка тортилмайди.

Хусусий мулкдорлар ва тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолияти кафолатларини кучайтириш масаласини ҳал этишда **суд органлари ролини оширишга** алоҳида аҳамият берилмоқда. Судлар тегишли даъво аризаси кўриб чиқилаётган пайтда тадбиркорлик субъекти назорат органининг қароридан норози бўлса, унинг ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга бўлди.

Агар тадбиркорлик субъекти солиқ ва божхона қонунчилигини бузган бўлса, унинг мулки фақат суд қарорига биноан мусодара қилиниши мумкинлигини белгилайдиган қонун нормаси жорий этилди, даъво аризасини кўриб чиқиш муддатлари ҳам сезиларли равишда қисқартирилди.

**Энди микрофирмалар, кичик корхона ва фермер хўжаликлари фаолияти тўрт йилда бир марта, бошқа хўжалик субъектлари фаолияти эса уч йилда бир марта режали тартибда текширилади ва бундай текширувлар фақат Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши қарорига асосан амалга оширилади.**

Бу борада молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувларни амалга ошириш муддати 30 календар кунидан 10 календар кунига қадар қисқартирилди. Шуни қайд этиш керакки, бу нормалар хусусий банк ва молия институтларига ҳам тегишлидир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш ўтказиш, давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузиш ҳолатлари учун маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтирилди.

Бундай чоралар хўжалик субъектлари фаолиятини ва уларнинг банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларини ноқонуний тўхтатиш, уларнинг ҳисоб рақамларида маблағ борлиги тўғрисидаги маълумотни асоссиз талаб қилиш, тадбиркорларни маблағ ажратиш билан боғлиқ хайрия ишлари ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб қилиш каби ҳолатлар учун ҳам таaллуқлидир.

Шу билан бирга, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг ноқонуний қарорлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарни, жумладан, бой берилган даромадни тўлиқ ҳажмда қоплаш механизми қонуний асосда жорий этилди.

Назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ҳимоя қилишга оид қонунчиликни бир неча марта бузган тақдирда, уларга нисбатан жиноий жавобгарлик чоралари қўлланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига бу борада тегишли нормалар киритилди.

Ҳисобот йилида «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг қўнғироқларга хизмат кўрсатиш бўйича ягона маркази ва Бош прокуратуранинг «Ишонч телефони» базасида фуқароларнинг мурожаатларини кечаю кундуз қабул қилиш бўйича янги тизим жорий этилди.

(2-3).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**15 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбарининг нутқида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлигига қарамай, 2015 йилда иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари ҳамда чуқур таркибий ўзгартиришлар, хусусий мулк ва кичик бизнес манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича ҳар томонлама пухта Дастурнинг изчил ва тизимли амалга оширилиши натижасида иқтисодиёт ўсишининг барқарор ва юқори суръатларига ҳамда макроиқтисодий мувозанатга эришилганлиги қайд этилди.

Нуфузли халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотлар ва илмий марказлар томонидан юқори баҳоланаётган ютуқлар ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш истиқболлари бутун жаҳонда «ўзбек модели» сифатида эътироф этилиб, бу танланган ривожланиш стратегиясининг юқори самарадорлиги ва муваффақиятини яна бир бор тасдиқлагани алоҳида қайд этилди. Нуфузли Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига мувофиқ Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олган.

2015 йил якунлари бўйича мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасида ижобий салдо таъминланди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Мулкчилик таркибини тубдан ўзгартириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, корпоратив бошқарувнинг принциплари ва ёндашувларини ўзгартириш бўйича тизимли чора-тадбирлар, кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Барча акциядорлик жамиятларида бошқарувнинг замонавий намунавий тузилмаси жорий этилди.

Хусусий мулкдорлар ва тадбиркорларнинг кафолатларини кучайтириш ва уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатадиган Ягона марказлар орқали ташкил этиш ва амалга оширишни соддалаштириш ва енгиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг туркуми қабул қилинди. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 56,7 фоизга етди ёки 2000 йил билан таққосланганда 1,8 баравар ўсди.

Таркибий ўзгартиришлар, тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича чора-тадбирлар ва инвестиция лойиҳаларининг фаол амалга оширилиши, шунингдек, замонавий инфратузилманинг шакллантирилиши 15,8 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2014 йилдагига қараганда 9,5 фоиз кўп инвестициялар ўзлаштирилишини таъминлади. Бунда барча инвестицияларнинг 3,3 миллиард доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир.

Юқори технологияли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган тармоқлар жадал ривожланишга эга бўлди. 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Аграр секторда чуқур таркибий ўзгартиришлар юз бермоқда. Мўл ҳосил — 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла ва 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етиштирилди ва йиғиб олинди. Мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик, шунингдек, уларнинг маҳсулотларини саноат йўли билан қайта ишлаш жадал суръатларда ривожланмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг жадал ривожланиши таъминланди. Пуллик хизматлар ҳажми 10,8 фоизга, чакана товар айланмаси 15 фоиздан зиёдга ўсди. Ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳаси улуши 2010 йилдаги 49 фоиз ўрнига 54,5 фоизга етди.

Банк тизимини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашуви даражасини ошириш ва инвестиция фаоллигини кенгайтириш таъминланди. Банк тизимининг умумий капитали 2014 йилга нисбатан 23,3 фоизга кўпайди ва 7,8 триллион сўмга етди.

Иқтисодиётнинг ва хизматлар соҳасининг барқарор юқори ўсиш суръатлари аҳоли даромадларини, инсонлар турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратди. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар миқдори 21,9 фоизга, аҳоли жон бошига жами реал даромадлар эса 9,6 фоизга ошди. Тадбиркорлик фаолиятидан даромадлар улуши 2010 йилдаги 47,1 фоизга қараганда 52 фоизга ошди. 980 мингтадан ортиқ иш ўринлари ташкил этилди, улардан 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойлардадир, касб-ҳунар коллежларининг 480 мингдан ортиқ битирувчилари ишга жойлаштирилди.

(3).

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

## Келажакнинг муносиб ворислари

**Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури ижроси ҳамда 2016 йилдаги вазифалар юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Дастур ижроси юзасидан ҳар бир йўналиш бўйича масъул бўлган вазирлик, қўмита ва муассасалар раҳбарларининг маърузасида маънан соғлом, жисмонан бақувват, юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалаларига оид ишларни мувофиқлаштириш ҳамда таҳлил қилиш, уларни тизимли ва самарали ташкил этиш, ёшлар масаласида ижтимоий шерикликни шакллантиришда муҳим ҳужжат бўлмоқда. Дастур 8 та йўналиш ва 90 та банддан иборат.

(4).

Маҳаллийлаштириш дастури асосида






## Корхонанинг харидоргир газламалари

Маҳаллийлаштириш дастурининг ҳаётга кенг татбиқ этилаётгани корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Orange Textile» корхонаси маҳаллийлаштириш дастури доирасида замонавий тўқимачилик ускуналари билан жиҳозланди. 2008 йилда фаолият бошлаган корхонада айни пайтда ўндан зиёд турдаги газламалар ишлаб чиқарилмоқда.

Бу жараёнда банкдан олинган кредитларнинг ўрни салмоқли бўлаётир. Ўтган йили тўқиш, матога ранг беришни янада такомиллаштириш мақсадида 4 миллиард сўмлик банк кредити жалб этилди. Натижада, ишлаб чиқариш ҳажми янада ошди.

— Маҳсулотларимизга талаб ортиб бораётир, — дейди корхона раҳбари Шаҳзод Мавлонов. — Бу корхонамиз экспорт салоҳиятини ошириш имконини бермоқда. Хусусан, 2015 йилда хорижга 300 минг долларлик маҳсулот экспорт қилдик.

Корхонада ишчилар учун зарур шароитлар яратилган. Замонавий технологияларни бошқараётган 80 ишчининг аксарияти ёшлар.

— Зангиота маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида ўқиган давримда амалиётни ушбу корхонада ўтагандим, — дейди Ислом Обидов. — Ҳозир технологияларни назорат қилувчи оператор вазифасида ишлаяпман. Коллежда ҳам ўқиб, ҳам ҳунар ўрганганим ҳаётда ўз самарасини бермоқда.

**Даврон СУННАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Суратларда: Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги «Orange Textile» корхонасида.*

**ЎзА фотомухбири**
**Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.**

Бунёдкорлик

## Қишлоқда замонавий тўйхона

**Қўшкўпир тумани Хайробод қишлоғида барча қулайликка эга тўйхона фойдаланишга топширилди. У миллий ва замонавий меъморчилик услублари уйғунлаштирилган ҳолда қурилган бўлиб, катта шаҳарлардаги тўйхоналардан қолишмайди.**

— Шу пайтгача тўйларни ҳовлида ёхуд бошқа қишлоқ тўйхоналарида ўтказар эдик, — дейди Хайробод қишлоғи «Кўназей» МФЙ маслаҳатчиси Дилбар Бекчонова. — Тадбиркор Сафарбой Раҳмонов ҳамда унинг турмуш ўртоғи Адиба Жуманиёзованинг саъй-ҳаракати билан қурилган ушбу тўйхона маҳалла аҳлига яхши кунларини муносиб нишонлашга имконият яратди.

Аҳамиятлиси, ушбу хизмат кўрсатувчи масканда ўнлаб ёшлар иш билан таъминланди.

**Моҳинисо ОЙБЕК қизи,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

# Келажакнинг муносиб ворислари

(1).

2015 йил давомида Дастур доирасида 72 мингдан зиёд лойиҳа ва тадбирлар ўтказилиб, уларда 19,5 млн. дан ортиқ ёшлар қатнашди. Муҳими, ҳар бир лойиҳада иштирок этаётган ёшларнинг қамрови 2-3 бароборга ортди.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида ўтказилган тадбирларда уч миллиондан ортиқ йигит-қиз қатнашди. Жумладан, умумтаълим мактаби ўқувчилари ўртасида «Ҳуқуқ билимдонлари», академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?», олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказилган «Тафаккур синовлари» кўрик-танловлари, «Талабалар баҳори» фестивали, «Парламентаризм билимдони» он-лайн танлови, Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишлаб уюштирилган «Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги» ворисларимизнинг ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий билимини янада бойитишда муҳим аҳамият касб этди. Барча ҳудудларда ташкил этилган «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги фестивал эса ёшларнинг орзулари, ғоялари, ташаббусларига қанот бўлди.

Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни касбга йўналтириш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка кенг жалб этишга қаратилган лойиҳаларда 43 минг йигит-қизга ишга жойлашиш учун йўлланма, 416 ёшга имтиёзли кредит олиш учун тавсияномалар берилди. Тадбиркорлик қилиш истагини билдирган коллеж битирувчиларининг 6,4 минг нафарига 53,8 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида ҳудудларда 111 та «Камолот» уйи бунёд этилди.

Конституциямизнинг 23 йиллиги муносабати билан турли соҳаларда юқори натижаларга эришиб келаётган бир гуруҳ иқтидорли ёшлар «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишни йўлга қўйиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган тадбирларга 4,7 миллиондан ортиқ ёшлар жалб этилди.

Ёш журналистларнинг замонавий талаблар асосида билим ва тажрибасини оширишга қаратилган «Ёш журналистлар медиа-тренинги», «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» танлови, «MIT.uz» — миллий интернет танлови, ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган «Best Soft Challenge» каби тадбирларда 4,3 мингдан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Ёшлар ўртасида миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб қилиш бўйича йил давомида барча ҳудудларда уюштирилган «Қудратимиз бирлик ва ҳамжиҳатликда!» шиори остидаги тарғибот тадбирларида 50 мингдан зиёд турли миллат вакиллари қатнашди.

— Иқтидорли ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйишда тегишли вазирлик ва идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар билан биргаликда қатор ишлар амалга оширилди, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи Музаффар Комилов. — Ушбу йўналишдаги тадбирларда 1,5 миллиондан ортиқ ёшлар қатнашди.

— Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасидаги тадбирлар тизимли ташкил этилмоқда, — дейди ИИВ ҳуқуқбузарликлар олдини олиш бошқармаси катта инспектори, майор Саодат Ҳамдамова. — Ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ўтган йилда «Одам савдоси — давр муаммоси», «Жиноят ва жазо» тарбиявий тадбирлари, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилишга қаратилган давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, Дастур доирасида 100 мингдан ортиқ ёшлар билан умумий, якка тартибдаги, махсус ва виктимологик профилактик тадбирлар амалга оширилди. Умуман, олиб борилган тадбирлар натижасида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги жиноятлар сони 2014 йилга нисбатан 8,8 фоизга камайди.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам фаол қатнашмоқда. Хусусан, ўтган йили Дастур доирасида Республика Ёш мутахассислар Форуми ташкил этилди. 20 га яқин йўналишда уюштирилаётган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови мамлакат миқёсида ёш мутахассисларнинг инновацион ғоя ва янги ишланмаларини рўёбга чиқариш имконини берди. Танловда 5 минг нафарга яқин ёш мутахассис қатнашди. Республика-тармоқ босқичида номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорлар «Ёш мутахассислар» III республика Форумида иштирок этди. Энг фаол ва республикамиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшувчи лойиҳа ҳамда ишланмалар соҳиби бўлган ёш мутахассислардан 3 нафарига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси грантлари топширилди. Танлов ғолибларидан 1 нафари 5 млн. сўмлик грант, 2 нафари чет элда малака ошириш йўлланмаси билан тақдирланди. Шунингдек, касаба уюшмалари «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаси, ҳудудларда «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида ташкил этилган кўргазмалар, «Инновацион ғоялар» республика кўрик-танлови, «Камолот-Тур» VIII ёшлар веломарафонида фаол қатнашди.

Жамоа шартномаларининг ёшларга оид бўлимига қўшимча имтиёзлар бўйича ўзгартишлар киритилиб, бунинг натижасида 2 минг 460 та ёш оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш, шунингдек, уй-жой қурилиши учун жами 46,7 млрд. сўм миқдорида фоизсиз ссудалар берилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 1 минг 805 нафар талаба учун шартнома пулларининг бир қисмини қоплашга 5 млрд. 74 млн. сўм йўналтирилди. «Касаба уюшмалари — талабаларга» акцияси доирасида 300 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд ва иқтидорли талаба-ўқувчига касаба уюшмаларининг 213 млн. сўмлик стипендияси берилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида «Меҳнат ҳуқуқи билимдони» танлови ташкил қилиниб, унда пойтахтимиздаги 50 дан ортиқ коллеждан 211 нафар ўқувчи ўз ижодий иши билан қатнашди. Республикадаги мавжуд касб-ҳунар коллежларига корхона ва ташкилотларнинг малакали мутахассислари бириктирилди.

Анжуманда 2016 йилда амалга оширилиши кўзда тутилаётган лойиҳалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

**Салим АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**



# Таянчим ва суянчим, фахру

**Андижон вилоятининг Хонобод шаҳридаги Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига қарашли Н-қисмнинг тарбиявий ишлар бўйича хизмат бошлиғи Хуршидбек Бозоров хушхабар айтиб қолди. Тошкентдан бир гуруҳ санъаткорлар келишибди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жумадилла Раметов, актёр Самиддин Лутфуллаев, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, шоира Гўзалой Абдуллаева иштирокидаги маданий-маърифий тадбирда биз ҳам қатнашдик. Аскарлар санъаткорларни ҳам, шоира қиз Гўзалойни ҳам саволларга кўмиб ташлашди.**



## Ватан ишқи осмон йигитлар...

*(Ҳарбий қисмда бир кун)*

Тадбир баҳона аскарлар ҳаёти билан яқиндан танишдик.

Ҳарбий қисмнинг бадиий раҳбари Мансурбек Эргашев ажойиб инсон. У “Ўзбекистон — Ватаним маним” республика кўрик-танлови ғолиби. “Мардлар қўриқлайди Ватанни!” жанговар қўшиқлар республика танловининг 1-ўрин соҳиби. Мансурбек ўзи битган шеърга мусиқа басталабди. Бу қўшиқ ҳарбий қисмда жуда машҳур экан. Қўшиқ сўзларига сиз ҳам қулоқ тутинг-а:

***Ватан қадрин азиз билганлар,***
***Қатор-қатор сафда турганлар.***
***Кунни тунга улаб нечалар***
***Ватан хизматида юрганлар...***

Аскарлар учун яратилган шарт-шароитни кўриб кўзингиз қувнайди. Ўқув хоналари зарур кўргазмали қуроллар, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган. Спорт майдончаси, тренажёр зали, маънавий-маърифий тайёргарлик хонаси, кутубхона ҳавас қилгулик. Аскарлар ётоқхонаси шинам, ёруғ, саришта. Телевизор, радио, газета ва журналлар, китоблар, шахмат-шашка...

Кун пешиндан оққан, машғулотлар тугаган бу пайтда кутубхонада мутолаага берилган йигитларни учратасиз.

Чирчиқлик аскар Жаҳонгир Қуроловнинг қўлида “Инглизча-ўзбекча луғат”. У чет тилини ўрганишга астойдил бел боғлаган. Столида тиббиётга оид бир даста китоблар ҳам турибди. Билсак, коллежда ҳам шу йўналишда таҳсил олган экан.

— Хизматдан сўнг Тошкент тиббиёт академиясига ўқишга кириш ниятидаман, — дейди у.

Самарқанднинг Нарпай туманидан келган Асқар Нуруллаев, сирдарёлик Нуриддин Фозилов эса ҳарбий соҳани танлашган. Ҳарбий билим юртида таҳсил олиб, Ватан хизматига умрини бахшида этишни ният қилишган.

Асқар Нуруллаев адабиёт, хусусан, шеъриятга “ишқи тушган”лардан чиқиб қолди. Эркин Воҳидовнинг “Инсон” қасидасини ўқиб берганида ҳайратга тушдик. Ота-онасига мактуб ёзаётган экан. Унда армиядаги қайноқ ҳаёт, командирлари, дўстлари ҳақидаги ҳароратли битиклар бор.

Қўшни хонадан рубобнинг шўх овози янграб қолди. Бу ерда ҳар турли чолғу асбоблари бор экан. Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳридан келган Абдулатиф Ғаниев бўш вақт топди дегунча шу ерга шошилади. Ундан рубобда “Баҳор” куйини тингладик.

Ҳамроҳимиз Хуршидбек Бозоровнинг “спорт залимизни ҳам кўринглар”, деган таклифи маъқул тушди.



Бу ерда самарқандлик Элёр Турсунов, Сурхондарёнинг Шўрчи туманидан Муҳаммадали Абдурасулов, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидан келган қозоқ йигит Нурсултон Бойжигитов машғулотлар билан банд.



Сирдарёлик Ғиёсбек Турдиқулов ажойиб гапни айтиб қолди: “Ангрен-Поп темир йўли қурилишини, у Андижонни Тошкент билан боғловчи иншоот бўлишини эшитганимдан буён темир йўл муҳандислари тайёрлаш институтига ҳужжат топширишни мўлжалладим. Юртимизнинг пўлат изларига муносиб мутахассис бўлиш орзуимга айланди”.

Ҳарбий қисм ҳамшираси Одинахон Эшматова ҳамда шифокор Азизбек Эргашев шахсий таркибнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш жанговар шайликнинг юқори даражада бўлишини таъминлашда муҳим омил эканлигини чин дилдан ҳис этишади.

— Ҳарбий хизматчиларимизга ўз-ўзига ҳамда бирбирига “тез ёрдам” кўрсатиш усуллари бўйича сабоқ бердик, — дейди бухороча лутф билан Азизбек. — Сизлар ҳам кўрасизларми?

Сурхондарёлик Темурбек Абдураҳмонов буни бизга намойиш этиб берди. Аскарлар шахсий гигиена воситаларини сақлаш ва фойдаланишда ҳам малакага эга экан. Шифокорлар шартнома асосида хизмат қилаётган ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлиги йўлида астойдил ишлаяптилар.

Мустақиллик йилларида муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хусусан, уларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

— Умримнинг 11 йили Фарғона водийсидаги ҳарбий қисмларда ўтмоқда, — дейди кичик сержант Азизбек Акобиров. — Ватанимиз сарҳадларини қўриқлашга ҳисса қўшаётганлигимдан фахрланаман.

Азизбек Саиджон ака ҳамда Ўғилой опаларнинг тўққизинчи фарзанди. Катта арава қаёққа бошласа, кичиги ҳам эргашади, деганлари бор гап. У ёшлигидан акалари — Ғайратжон ҳамда Акрамжонга ҳавас қилиб ҳарбий бўлишни мақсад қилди. Турмуш ўртоғи Назирахон билан Хонободда — ҳарбий хизматчилар учун қуриб битказилган замонавий уйда истиқомат қилишмоқда. Оилада ширингина қизалоқ Шаҳризахон камол топяпти.

— Илгари ижара уйда яшаганмиз, — дейди Назирахон. — Икки йил аввал ҳарбийлар учун икки қаватли замонавий тураржой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилганида ниҳоятда қувондик.

Дарҳақиқат, биз бу уйда бўлиб, барча шароит муҳайё эканлигини кўрдик. Замонавий мебел жиҳозлари, музлатгич, телевизор, кондиционер ва ҳоказо. Болалар учун ёзги майдончани кўрсангиз эди. Ҳа, сўнгги йилларда ҳарбий қисм хизматчилари учун 21, 27 ҳамда 28 хонадондан иборат учта икки қаватли тураржой биноси қуриб битказилди.

Сержант Адҳамжон Худойназаров Қашқадарё вилоятидан. Оилада 7 фарзанднинг 3 нафари ҳарбий соҳани танлади. Ҳозир акаси Рустамжон Тошкентда, укаси Ўролбек Хоразмда ўз бурчини мардонавор ўтамоқда.

Адҳамжон ўтган йили оиласини Хонободга кўчириб келди. Турмуш ўртоғи Севарахон шу шаҳардаги умумтаълим мактабида ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ бермоқда. Ҳарбийлар оиласида тўнғич фарзандга ихлос билан Темурмалик деб исм қўйдилар. Келгусида у Ватанимизнинг забардаст ҳимоячиларидан бири бўлиб етишишига биз ҳам тилак билдирдик.

...Ҳарбий қисм ошхонасида аскарлар билан бирга тушлик қилдик. Ҳар қалай, меҳмон деган номимиз бор. Ҳамроҳимиз Хуршидбек билан тўкин дастурхон атрофида ўтирибмиз. Ошхона эмас, мўъжазгина ресторан дейсиз. Озиқ-овқатлар хилма-хил. Колорияси ҳамда рационига алоҳида эътибор берилади. Очиғи, ўзингизни аскарлар сафида худди зиёфатга келгандек ҳис қиласиз.

Тушликдан сўнг бир муддат ҳордиққа рухсат берилди. Биз эса қисқа муддатда анчайин қадрдон бўлиб қолган аскар йигитлар билан хайрлашдик.

**Нурилло НЪЪМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**

*Суратларда: ҳарбий қисм ҳаётидан лавҳалар.*
**Азаматжон ТОШМАТОВ олган суратлар.**

**Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!» шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.**

## Осойишталик посбонлари

Гулистон давлат университетида ташкил этилган тадбирда ҳарбий хизматнинг аҳамияти, мамлакатимиз сарҳадларини қўриқлаётган аскарларимизга кўрсатилаётган эътибор ҳақида сўз борди.

Давлат мукофоти совриндорлари Алишер Абдурасулов, Шоҳруҳ Каримов, Шуҳрат Қорақуловнинг маърузалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Номингиз қалбларда

**Оилада ўғил фарзанд дунёга келса, уйнинг катталари хонадонимиз чироғини ёқувчи, авлодларимиз давомчиси туғилди, дея хурсанд бўлишса, оиланинг жажжи қизалоқлари энди бизнинг ҳам укамиз бор, ҳимоячимиз бўлади, дея қувонишади.**

Дарҳақиқат, у онасининг алласига қўшиб айтилган ширин орзулар оғушида, отасининг эзгу амаллари, бобосию момосининг ўгитлари таъсирида эр йигит бўлиб улғаяди. Бугун ана шундай мард ўғлонлар юртимиз сарҳадларини ҳимоя қилишдек шарафли бурчни мардоналик билан адо этишаётир.

Болалик чоғиданоқ катта бўлсам, албатта, учувчи бўламан, дея орзу қилган Шермуҳаммад Аширов ниятига эришди. У ўзи хоҳлагандек ҳарбий учувчи бўлиб етишди. Ватанимиз сарҳадларини қўриқлашдек шарафли касбни танлаб, халқимиз тинчлиги, осойишталигини асрашни ўзининг йигитлик бурчи деб билди. Унда барча инсоний хислат мужассам эди. Жасурлик, фидойилик, матонат, энг муҳими, ўз бурчига садоқат.

Душман у бошқараётган вертолётга қарата ҳужум қилганида авиация техникаси ёна бошлади. Шермуҳаммад вертолётда ҳеч ким қолмаганига ишонч ҳосил қилмагунча уни тарк этмади. Ўз жонини қурбон қилиш эвазига сафдошларини қутқариб қолди. Мана шу машъум воқеага ҳам ўн беш йилдан ошди.

Ҳозирда Тошкент вилояти Янгийўл тумани Халқобод қўрғонидаги 28-мактабга Шермуҳаммад Ашировнинг номи берилган. Президентимиз фармони билан 2000 йил 25 августда катта лейтенант Ш.Аширов вафотидан сўнг II даражали “Шон-шараф” ордени билан мукофотланди.

— Ҳар бир она фарзандининг умри узоқ, юрти тинч, оиласи осойишта бўлишини хоҳлайди. Мен ҳам ўғлимга узоқ умр тилардим. Набирамнинг ота тарбиясини олиб вояга етишини истагандим, — дейди Муниса Аширова. — На илож, ўғлимнинг умри қисқа экан. Фарзандим билан ҳар қанча фахрлансам арзийди. Эрта хазон бўлган нуридийдамнинг охирати обод бўлсин. Сафдошлари йўқлаб хонадонимизга келишганида остона ҳатлаб фарзандим кириб келгандай бўлади. Менинг учун ҳали-ҳамон ўғлим тирик, хизмат вазифасини бажаришга кетгану эртами, индинми уйга кулибгина кириб келадигандек туюлаверади.

Бор-йўғи йигирма бир ёшида турмуш ўртоғидан ажраган Умидахон қизалоғи Маҳмудага отаси йўқлигини билдирмади. Оқ ювиб-оқ тараб вояга етказди.

Отасига ўхшаган қизлар бахтли бўлади, дейишади. Маҳмудахон ҳам худди қуйиб қўйгандек отасининг ўзгинаси. Тўғри, у дадажониси сиймосини яхши эслай олмайди. Ўшанда бор-йўғи бир ярим ёшда бўлган. Аммо онасидан унинг жасорати, ватан олдидаги фидойилиги ҳақида кўп эшитган. Шу боис ҳар доим отаси билан ғурурланади, у тўғрида фахрга тўлиб гапиради. Келажакда отаси сингари ҳарбий бўлишни кўнглига туккан. “Фарзандимнинг орзулари дадасининг ишини давом эттириш, илоҳим, ниятлари амалга ошсин, аммо умр йўли узун бўлсин”, дея дуо қилади Умида опа.

